
1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами кенг нишонланди

1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда ҳам ҳар йили дилларда қувонч ила кенг нишонланади.

□ Байрам олдидан бугун шаҳардаги 37-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

□ Ширинтой ўғил-қизлар иштирокида концерт дастури тарзида ташкил этилган тадбирда сўз олган шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов бошчилигидаги сектор раҳбарлари болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгалари эканлиги, уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила ва ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланиши алоҳида таъкидлаб ўтдилар ҳамда болажонларга байрам совғаларини улашдилар.

2022-06-01 14:53:33